

булдилар. (331 А1).

нофотининг лауреати атоиди а
Назир Сафаровни шу мунофот
лан муборакбод этиб, унга д
имодий муваффақиятлар истайи


ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОНИЯ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ БИЗНИНГ КУНЛАР

Иоханнес СЕМПЕР
эстон шоири

Бизнинг кунлар ёниш, зафарга тўла Меҳнат, ишмишдан гуллар она ер. Ҳар бир инсон гурӯҳ, ғуфтор ила, Мейнинг она юртим — қуёш юрти дер. Худди соҳилдан халқини туну-жу Чакриб тургандек говгоди денгиз. Бизни ҳам ўзига чорлайди ҳар он — Эртанги келажак порлоқ ва тенгиса. Истардик, эртанги кунининг белгига Тўқисак бугуноқ зарҳал, нур белбоғ, Бугунинг нафаси инсон дилига —

Солсин янги қувонч, орузлар тоғ-тоғ! Қаерда бўлаётган бир бизнинг мақсад: Токи даҳшатлардан чўчисин инсон. Осмонда калтарлар учинсин фақат. Дунё бўйлаб тинчлик бўлсин ҳукмрон. Япроқлар куйласин дилрабо қўшиқ. Бахту — иқболимиз — қайнаган булоқ. Ҳеч ким йўлимизга бўлолмас тўсиқ. Эртанги оруздан кўра гўзлароқ!

Рауф ТОЛИПОВ таржимаси.



Республикада ўтказилаётган эстон адабиёти ва санъати декадаси «Эстония» давлат академик опера ва балет театрининг хори муваффақиятли қатнашмоғида. Суратда: хор С. Юдаковнинг «Мейнинг ватаним» конатасининг ижро этмоқда.

«Лайне» болалар хорининг чонилари ўзбек томошабинларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Суратда: Яан Топи номли маданият саройининг болалар хор қўшиқ ижро этмоқда.

Республикада ўтказилаётган декадада Эстониянинг машҳур санъаткорлари иштирок этмоқда. Суратда: (юқоридан пасга) СССР халқ артистлари Густов Эрисае, Георг Отс ва дирижёр Уно Ярвасю.

Дунё хабарлари

СОВЕТ-ЧЕХОСЛОВАКИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

СССР ва ЧССР ҳукумат делегациялари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида муваффақият билан ўтган музокара натижасида 20 ноябрда Москвада Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида 1969 йилги товар оборот тўғрисида протокол имзоланди.

Имзоланган протоколга мувофиқ, 1969 йилда икки мамлакатнинг бир-бирларига товар етказиб бериш ҳажми 2 миллиард сумдан ошиб, 1968 йилдагига нисбатан тахминан 10 процент кўсаяди. Совет Иттифоқи ЧССРнинг ташиқ саноо оборотида биринчи ўринни эгаллайди. Чехословакия эса, СССР олди-соти қилаётган энг катта мамлакатлардан биридир.

Совет Иттифоқи қардош мамлакатдан асосан машина ва ускуналар, шу жумладан: металл қирқувчи станоклар, темирчилик-пресслаш, прокат қилиш, энергетика ва музлатиш ускуналари, электровозлар ва кемалар, енгил саноат, озиқ-овиқ саноати, химия саноати ва саноатнинг бир қанча бошқа тармоқлари учун машина-ускуналар, шунингдек анчагина миндорда халқ элчилик моллари олади.

Уз вабатида Чехословакияга нефть ва нефть маҳсулоатлари, газ, темир рудаси, тошкўмир, қора ва ранг металлургия, пахта, ёғоч-тахта, озиқ-овиқ маҳсулоатлари, шунингдек саноат машина-ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари, енгил автомобиллар, ускуналар, асбоблар, ҳаво транспорт воситалари ҳамда маданий-маиший аҳамиятга эга моллар етказиб берилади.

Ҳар икки мамлакат бир-бирларига келишиб олинган молларни етказиб бериши, халқ хўжалик планларининг муваффақият билан bajarилшига ва шу мамлакатларга эҳтиёжларининг тағини ҳам тўлароқ қондирилишига ёрдам беради. (ТАСС).

А. ПАНАГУЛИС ОЗОД ҚИЛИНСИН

Германия Демократик Республикасининг тинчлик кенгаши Афина хунтаси томонидан грек ватанпарварлари А. Панатулисга чиқарилган ўлим ҳукмига қарши катта норозилик биландир. Тинчлик кенгаши Греция баш миистри Панатулисга юборган телеграммада А. Панатулиснинг турмушдан дарҳол озод қилиниши талаб этиди.

Озод номис ёшлари союзи марказий кенгаши ҳам А. Панатулис устидан чиқарилган шармандали ҳукмининг бекор қилинишини ва унинг озод қилинишини талаб этиди. Марказий кенгаш ўз телеграммасида Германия Демократик Республикаси ёшлари Грециядаги фашист диктатурасига қарши адолатли кураш олиб бораётган грек халқи ва грек ёшлари билан бирдам эканлигини билдирди.

Исроил ҳарбийларининг янги йўбоғарлиги

АММОН, 20 ноябр. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари қўшни араб мамлакатларига қарши иттифоқларини давом эттирмоқда.

Бугун қудудни Исроил қўшинлари Алобис водисини районда Иордания қўшинларининг позицияларини пулемет ўқига тутди, деди Иордания ҳарбий вакили.

Иордания кучлари жавоб ўти очган ҳарбий вакилининг суҳбатига кўра, 15 минут давом қилган отишма чоғида Иордания қўшинлари талафот кўрмаган.

АҚШДА ЕР ОСТИДА ЯДРО БОМБАСИ ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 ноябр. (ТАСС). Атом энергияси комиссияси аъзоси Адамс шайбани қўлга олишда Невадда штатидаги полигонда кейинги ҳафта ичига ер остида илгичли марта ядро қурол портлатилиди, саноатдан ўтказилди. АҚШ бу билан шу йил ер остида 20 марта ядро бомбасини портлатди.

МАРШАЛ ОТУ ҚАМОҚҚА ОЛДИ

АККРА, 21 ноябр. (ТАСС). Миллий озодлик кенгаши Гана қуролли кучлари қўмондонини ҳарбий ҳаво кучлари маршали Оту давлатга қарши фитнада айбонлиб, қамоққа олиналганини кеча эълон қилди. Генерал-майор Окра Гана қуролли кучлари қўмондонини вазифининг вақтинча ижро этишчи қилиб тайинланди.



МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОКЕЛАЛАР

БЕЛЬГИЯДА ЎПКА КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ

БРЮССЕЛЬ, 20 ноябр. (ТАСС). Гент университети клиникасининг профессори Дерома раҳбарлигидаги бир группа хирурглари бемор А. Берекента бошқа кишининг ўпкасини кўчириб ўтқазини операциясини муваффақиятли бажарди.

Кеча, ўпка кўчириб ўтқазилганига беш кун тўлганда

берилган медицина бюллетенида беморнинг аҳоли ахши эканлиги кўрсатилган. У, нормал равишда еб-ичмоқда, нафас олиши ва қонга кислород келиши ҳам норма миқдорларида бормоқда. Ҳозирча янги ўпка ёлғизининг ҳеч қандай аломатлари йўқ.

БАМАКОДА ЙИГИЛИШ

БАМАКО, 20 ноябр. (ТАСС). Бугун бу ердаги партия мийлий уйда йиғилиш бўлди. Давлат тўнариши натижасида кеча ҳокимият тепасига келган янги режимнинг раҳбарлари шу йиғилишда сўзга чиқдилар. Йиғилиш нўҳоятда қисқа ва мутлоқ информатсион тусда ўтди. Партия уйл залда собиқ мастул сийси

ва маъмурий ходимлар ҳозир бўлдилар. Мали радиосининг хабарига кўра, мийлий озодлик ҳарбий комитетининг раиси Лейтенант Мусса Троре қисқача нўҳ сўзлаган. У, залда ҳозир бўлганлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш умидида эканлигини таъкидлаган.

НИКСОН ИШ БОШЛАДИ

Маълумки, шу йилнинг 5 ноябрда Америка Қўшма Штатларида президент сайловлари бўлиб ўтди. Лекин, Америка халқи ўз мамлакатининг қайси йўналишда ривожланишини ҳоҳлаганини шу сайлов натижаларига қараб, аниқ билмовчи бўлган киши шу масала устидан кўп бек кўтирган бўлур эди.

Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда, Ричард Никсон президент сайловларида 533 сайловчи овозидан 302 та овоз олиб, ўз рақибидан устун келди. У 1960 йилдаги рақиб Жон Кеннедидан атиги битта овоз кам олди. Лекин, бу йилги сайловларда рақиб Губерт Хамфридан эса 111 овоз кўп олди.

Булар — ҳисоб-китоб. Аммо, умумий мийлисда республика партияси фойдасига бўнади натижа бўлиб беради. Аввало шуни айтиш лозимки, Никсон жуда оз кўпчилик овоз билан ғалаба қозонди. Биринчидан, у Хамфрига қараганда 200 миңдан кўпроқ овозга эга бўлди. (Бу йилги сайловларда 70 миллион киши қатнашди). Иккинчи Уоллес эса жазми овозларининг 13,5 процентига эришди эга бўлди.

Иккинчидан, Никсон барча овозларнинг 43 процентдан кўпрогини олади. Бу эса 1912 йилда Вудро Вилсон учта номзод курашида енгил қилган пайтдан буюн энг кам процентдир.

Учинчидан, Иллинойс, Огайо, Нью-Жерси ва Миссури штатларида атиги салкам 150 миң киши Хамфри учун овоз берганда эди демократлар сайловда ютиб чиқилган бўлур эди. Никсоннинг ғалабаси бошқа республикачил номзодларга, яъни конгресс ёни штатлардаги сайлов лавозимларига ўз номзодини қўйган кишиларга кенг йўл очиб беради. Санада улар атиги беш урин олдилар. холос. Вакиллар палатасида ҳам деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлиб беради. 31 мандат олишга умид бўлган республикачилар атиги 4 та ўрин олдилар. Палатанинг ҳозирги қарийб 400 аъзоси ўз ўринларидан қолбери.

Штатлардаги губернаторликка ўтказилган сайловларда эса республикачилар устунлигида эга бўлдилар. Элиас штатдан 31 тасида улар губернаторлик лавозимларини эгалладилар.

Президент сайловларида ҳамда вакиллар палатасида бўлган сайловларда асосий рақибларнинг деярли бир хилдаги миқдорда овоз олиши, аввало, мазкур сайловларда халқнинг норозилигини тўғрираётган масалалар ва биринчи навбатда Вьетнам масаласи кенчалик натижа роль ўйнаганини кўрсатиб турибди.

Машҳур Америка обзюрчиси Жеймс Рестон «Нью-Йорк-таймс» газетасида бағаниди, Никсон президентлик лавозимига олиб бориладиган курашда шу бондан ҳам ютиб қичқини, у асо

сан Америка халқининг ҳозирги ҳукумат сиебатидан норозилигидан фойдаланди. Бу ҳукумат «бекдорлиги ва кўпол хатолари оқибатида мамлакат ичкарисидан ҳам, чет элларда ҳам гўлт катта қийинчиликларга дучор бўлди».

Ричард Никсон сайловларда ғалаба қозониб, Нью-Йоркка келди ҳамда шайх марказидаги «Пьер» меҳмонхонасида ўзининг муваққат қароғонини ташкил қилди. (У бундан аввал Оқ уйда президент Жонсон билан учрашган эди). Нью-Йоркда ўз маслаҳатчилари ва ходимлари билан биргаликда 20 январга, яъни президентлик лавозимини расмий эгаллайдиган кунгача иш олиб борадиган бўлди.

Никсонга суиқасд қилиш мақсадида фитна уюштирилганини ҳақиқатда хилма-хил хабарлар тарқалган, унинг Нью-Йоркка келиши олдиндан гўлт зўр хавфсизлик чоралари қўрилди. Никсон Вашингтонда Нью-Йоркдаги Кеннеди аэропортга махсус президент самолётида келиб, сўнгра вертолётга Марказий паркиа кўчадан ва у ердан атомашинада ҳозирги қароғонига йўл олди. Лекин, суиқасда ҳақиқатда шов-шувлар бе

КЎРГАЗМАЛАР КУНИ

Ўзбекистонда Эстония адабиёти ва санъати декадасининг иккинчи кунини ташкил қилган кўрғазмалар кўни деса бўлади. Шу кўни Тошкентда олинган кўрғазмалар қардош республика ҳаётининг ёрқин маззасини кўрсатиб бери.

Тасвирий санъат виставкасида қўйилган олтинта полотно Эстониянинг ҳозирги кунини, унинг меҳнат қишлоқларини зўр илҳом билан тарафмун этган. Бу ерга келган биринчи томошабинлар таниқли эстон расомларидан Э. Окас, Лео Микко, Адамсон-Эрик, Л. Мууг, ёш расом Николай Кормашев асарларига эътибор бердилар.

Кўрғазмалар залда Ўзбекистон расомлар союзи правленеси раисининг ўринбосари А. Умаров касбдош биродарларини самийи таъриқлади.

Графика виставкасининг олинги санъат саройига тўпланган юзлаб тошкентликлар Эстония расомлар союзи правленесининг раиси Йилмар Тюрининг республика расомлари ҳозир қандай мавзулар ус

тида ишлаётганликлари тўғрисидаги гапларини мароқ билан тингладилар. Эстония телеграф агентлиги таъриқлаган ва билан уйда кўрғазмага қўйилган фототаштавада атиги бир неча ўн асар бор. Лекин уларнинг ҳар бири — завод ишчилари ёки балиқчилар ҳаётини, шаҳар ёки қишлоқ ҳаётини тасвирлашдан қатъи-назар — бутун республиканинг қалб ҳароратини ҳис қилиш имконини беради.

Бу виставка бизни гўзал ўлкамизга бўйлаб саёҳат қилдиргандек бўлди. — деди эстон дўстларига мурожаат қилиб, Ўзбекистон телеграф агентлигининг директори Г. Н. Нажинов. Эстония журналистлар союзининг маъсул секретари Эльмар Ниттим тошкентликларни ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонларини виставкага чорлади.

1967 йил Эстонияда яшовчи ҳар юз киши ўз наширётларидан 702 та янги китоб олди. Эстон китоби кўрғазмаси ана шу рақам билан бошланади.

Кеча Тошкентдаги «Билдилад уйи»да эстон санъаткорларининг фотокўрғазмаси очилди. Суратда: кўрғазма стендлари.



Кеча Тошкентдаги «Билдилад уйи»да эстон санъаткорларининг фотокўрғазмаси очилди. Суратда: кўрғазма стендлари.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

